


Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:
<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>

**TWO WOMEN'S ISSUE IN THE KOREAN ART WORLD*****Umida Saidazimova****DSc, associate professor**Tashkent State University of Oriental Studies**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE****Key words:** Korean, two women, literature, life, parents.**Abstract:** This article analyzes and discusses the issue of two women in the Korean art world.**Received:** 03.12.22**Accepted:** 05.12.22**Published:** 07.12.22**КОРЕЙС БАДИЙ ОЛАМИДА ИККИ АЁЛ МАСАЛАСИ*****Умидा Сайдазимова****DsC, доцент**Тошкент давлат шарқшунослик университети**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА****Калит сўзлар:** Корейс, икки аёл, адабиёт, ҳаёт, ота-она.**Аннотация:** Ушбу мақолада Корейс бадиий оламида икки аёл масаласи мавзуси тахлил ва муҳокама этилган.**ДВЕ ЖЕНСКИЕ ПРОБЛЕМЫ В МИРЕ КОРЕЙСКОГО ИСКУССТВА*****Умидा Сайдазимова****DSc, доцент**Ташкентский государственный университет востоковедения**Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ****Ключевые слова:** Кореец, две женщины, литература, жизнь, родители. **Аннотация:** В данной статье анализируется и обсуждается проблема двух женщин в мире корейского искусства.**КИРИШ**

Аёл бўлмаса, адабиёт бўлмас эди. Адабиёт аввало аёлга атаб, аёл учун, унинг кўнглини олиш, дилидагини билиш, аёл деган хилқат не ўзи – шуни англаш учун яралган. Абдулла Қаҳхор айтганидек, қушнинг ҳам эркаги сайрайди. Сўз санъати аввалбоши эр

кишининг ижодидир, демак, эркакни қизиқтирган бош масала адабиётнинг асосий муаммоси бўлади. Шу боис, адабиётнинг асосий қаҳрамони, бош мавзуи – аёлдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Корейс адабиётида сўз санъатида азалдан турли мавзулар илгари сурилган: давлат асосчилари ҳақида афсоналар (Тангун, Жумонг), қиролга халқ кайфиятидан хабар берувчи асарлар (пхэсол адабиёти), миллий қадриятларни тиклаш (Ким Си Сип ҳикоялари), ота-онага ҳурмат (хё категорияси), ака-укалар ўртасидаги муносабатлар (хан категорияси), кисенлар ҳаёти (Чхунхян образи), ижтимоий тенгсизлик учун кураш (Хон Кил Дон образи), табиат гўзалиги (сижо шеърияти), майший ҳаёт тавсири (япон аннекцияси даврида яратилган қатор ҳикоялар), устоз-шогирд муносабатлари (Ли Мун Ёл «Олтин қаноти қуш» қиссаси) ва ҳ.к. Бу мавзулар асрлар давомида халқнинг сўз санъатида чуқур илдиз отди. Аммо, бу мавзуларнинг ҳеч бири аёл тасвиричалик мавқе касб этмайди.

Шу ўринда олим Зухриддин Исомиддинов таъбири билан айтганда, инсоншунослик бўлган адабиёт биринчи навбатда, аёлшунослик, яъни аёлни ўрганиш, инкишоф этиш илмидир. Аммо корейс адабиётининг «илк» даврида яратилган кўп асарларда инсоннинг ички олами, рухияти, жумладан, аёл қалби олами тасвири камроқ ёритилган, умуман мавжуд эмас, десак ҳам муболага бўлмайди.

Ўрта асрларда яратилган қатор қиссаларда аёл киши шахс, яъни ўз ички оламига эга инсон сифатида теран очилган эмас. Тўғри, «Чхунхян ҳақида қисса»да кисен қизнинг юкори табақа вакили ўғлига бўлган садоқатли муҳаббати, «Сим Чхон ҳақида қисса»да ота-она олдида фарзандлик бурчи масалалари ёритилган. Ҳатто «Пакси ҳақида қисса»да ҳам бош персонаж Пакси ташқи қиёфаси кўримсиз, бой шахсий имкониятларга эга бўлмаган шахс сифатида тасвирланган. Бу қисса нафақат сўз санъатининг умумий қонуниятлари, балки умумий шартлар ва миллий тарихий йўлнинг хусусиятларини акс эттиргани билан ўзига хослик касб этади. Қисса номаълум муаллиф томонидан ёзилган. Асарнинг яратилишига Кореяга манжурлар истилоси – Пёнжан уруши (1636–1637) бошланиши билан боғлиқ материаллар асос бўлган. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур даврда яратилган қисса қаҳрамонига шон-шуҳрат келтирадиган пировард қилмиш ҳарбий жасорат билан боғлиқ, холос.

Шундай экан, ўрта асрлар корейс қиссаларидаги Чхунхян, Сим Чхон, Пакси, корейс романларидағи Са хоним адабий қаҳрамон сифатида ҳар қанча машхурликка эришмасин, шуҳрат топмасин, улар китобхон кўз ўнгидаги жонли, ўз ички оламига эга, фақат ўзига хос феъл-авторга эга инсон сифатида гавдаланмайди. Китобхон эса айни образни эмас, у ифодалаётган эстетик маъно ва ғояни баҳолаши мумкин.

М.М.Бахтин таъкидлаганидек, «фақат баҳо ўз тақдири учун қайғурадиган, ўз қонуний ҳаётининг ташувчиси бўлган инсонни субъектга айлантира олади». Ўзини баҳолай олиш инсоннинг универсал қадриятларга муносабатини, уларни тўғридан-тўғри тадқиқ қилишга интилишини ифодалайди. Шубҳасиз, бундай ғоя тарафдорларини, яъни, мақсадли фаолияти билан ажралиб турувчи, абсолют қадриятлар ва уларга қатъий амал қилиш учун хизмат қилишини чуқур англаб етувчи субъектларга киритиш мумкин.

Барча миллий адабиётда бўлгани каби корейс адабиётида ҳам аёллар образи давр рухига мувофиқ яратилган ва шу тарзда идрок этилади. «... бир хил шароитда бир хил ҳаракат қиласидан ҳарактерлар ҳар қайси адабиётда ҳар хил гавдаланади». Жумладан, ҳар бир халқ фольклорида «Зумрад ва Қиммат» бор, бу эртакнинг ҳеч бири иккинчисига руҳан ўхшамайди. Аммо, асар марказида турган, воқеалар кульминациясида ҳарактери намоён бўладиган аёллар образи исталган халқ адабиётида асосан иккига ажралади.

Узоқ асрлик феодал қолоқлик даври, япон аннекцияси даври, мустақиллик шабадаси ҳамма қўчаларга ҳам кириб улгурмаган давр, мафқуравий курашлар давридан кейин адабиёт саҳнасига кириб келган аёл адibalар ижодида бу масала кескин ва фавқулодда ривож топди.

Азалдан корейс жамиятида анъаналарга мувофиқ аёл ва канизак бир том остида тинч-тотув яшашга маҳкум бўлган. Жуда ҳам кўплаб асарларда бу мавзу кўтарилиган, жумладан, биринчи корейс романнависи Ким Манжуннинг «Са хонимнинг жсануб бўйлаб сарсон-саргордонликлари», «Тўққиз кишининг булутли туши» асарлари бунга яққол мисол бўла олади. Агарда, канизак оилада устун келса, қоидага мувофиқ, меҳрибон аёл уйдан кетишига мажбур бўлган. Шуниси эътиборга моликки, аёл ҳеч қачон ўз рақиби (канизак) билан курашга киришмаган, ғийбатчи, ёлғончиларни жазоламаган ва эрига ўзининг айбисизлигини исботлашга ҳаракат ҳам қилмаган. «Намунали аёл»нинг вазифаси – ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг юқори ахлоқий хислатларини сақлаб қолиш бўлган. Натижада, канизакнинг салбий хислатлари барчага аён бўлиб, унинг нотўғри хатти-ҳаракати ошкора бўлгач, зулм жазоланган,adolat тантана қилган, оилада уйғунлик тикланган.

Аслида Ким Манжун 1689 йил сарой тўнтаришидан сўнг мамлакатда бўлиб ўтган воқеаларга жавобан ўзининг «Са хонимнинг жсануб бўйлаб саргардонликлари» романини яратди. Романда бир беҳаё найрангбоз жориянинг тухмати туфайли ота уйдан қувғин қилинган аёл қисмати орқали ёзувчи ўз асарида ҳукмдорнинг рафиқаси Инхённинг тақдирини акс эттириди.

Малика Инхён Фарб фирмасининг ортодоксал тарафдорлари оиласига мансуб бўлган. Унинг давлат ҳукмдорининг рафиқаси даражасига кўтарилиши Фарб фирмаси тарафдорларининг сиёсий позициясини янада кучайтириди. Устига-устак ҳукмдорни мухим

масала – Инхён билан никоҳидан меросхўр ўғил фарзанди йўқлиги безовта қиласа эди. 1688-йили ҳукмдорнинг Жануб фирмаси тарафдори Чан оиласига мансуб жорияси ўғил фарзанд кўрди. Ҳукмдор бу болага «тўнгич ўғил» унвонини берди. Ҳолбуки, одатда бундай унвон ҳукмдорнинг биринчи аёлидан туғилган ўғилга берилар эди. Ғарбий фирмака тарафдорлари бунда ўзлари учун жиддий хавф-хатарни кўрдилар. Натижада уларнинг раҳнамоси бўлган Сон Сирёл мактуб билан Сукжонга мурожаат қилди. Мактубда ҳукмдор чиқарган фармон ва қарорларнинг қанчалик адолатли экани шубҳа остига олингани ёзилади. Сукжон дарғазаб бўлди ва Ғарб фирмаси тарафдорларини давлат бошқарувида эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиб, уларнинг ўрнига Жануб фирмаси вакилларини тайинлади.

Жануб фирмаси тарафдорлари Ғарб фирмаси вакилларини қатағон қилишга киришиб кетди. Инхён хоним ҳукмдор рафиқаси унвонидан маҳрум қилиниб, пойтахтдан сургун этилди. Жория Чан ҳукмдорнинг қонуний рафиқаси, деб эълон қилинди. Бу воқеа-ҳодисалар ҳукмдорга содик адиб – Ким Манжуннинг романида ўз аксини топди. Асардаги воқеалар Хитойда уч асосий образ: оила бошлиғи бўлган Лю Ёнсу ва икки аёл – унинг рафиқаси Са хоним ва жорияси Кё атрофида бўлиб ўтади.

Ким Манжун ҳаётининг энг оғир дамларида ҳам синовлардан сабр-бардош билан ўтиб, ўзининг ижобий фазилатлари ва ўзлигини йўқотмаган одоб-ахлоқли, оқила аёл – Са хоним образини яратди. Бунга қарама-қарши образ – айёр жория Кё турли хийла-найранглар билан ўз манфаатлари йўлида хонадон соҳиби Лю Ёнсудан фойдаланади, ҳукмдорни ўзига ром этади ҳамда Са хонимни уйдан қувғин қилишни уюштиради. Худди шу тарзда хийла-найрангларини ишга солиб, Лю Ёнсуни сургун қилдиради, бир сафар унинг жонига қасд ҳам этмоқчи бўлади. Ёзувчи Кё образида ўз мақсади йўлида ҳеч қандай қабиҳликдан тап тортмайдиган асосий душманни, унинг тарафдорларида эса бу аёлнинг барча қабиҳ режаларини оғишмай амалга оширувчи ижрочиларни кўради.

Ўрта асрларда номаълум муаллиф томонидан яратилган «Чхунхян ҳақида қисса»да «абадий мавзу» – ишқ –муҳаббатга бағищланган ilk асар қаҳрамони Чхунхян ўзи кўнгил қўйган инсони билан бирга бўлиш учун жамиятда қабул қилинган ижтимоий қонун-қоидалардан қўрқмади, дадиллик билан ўз муҳаббатини ҳимоя қилди, ҳатто ўзига етказилган тан жароҳатлари, қалб изтиробларини сабр билан енгишга ҳаракат қилди. У онасидан фарқли ўлароқ, кафолатланган тўқ ва бой инсонлар учун оддий қўғирчоқ бўлишдан воз кечди, муҳаббат йўлини танлади. Бу билан у бутун бошли Корея жамиятида кисенларга бўлган муносабатни ўзгартироқчи бўлди: кисеннинг ҳам қалби бор эканлигини ёдга солди.

«Чхунхян ҳақида қисса»да марказий образ аёллар, яъни, кисенлар ҳисобланади. Асарда кисен аёллар нафақат муҳаббат, балки садоқат ва жасорат тимсоли сифатида

тасвириланади. Асарда инсон қалби, севги, майший-ахлоқий масалалар турат. Унинг қаҳрамони Чхунхян ҳаётнинг оғир зарбаларига дуч келади, ана шундай чигал вазиятларда маънавият синовларидан ўтиб тобланади, оғир йўқотишлар эвазига бўлса-да, оғир синовларда қалб мусаффолигини сақлаб қолади.

Қиссада Намвон уездига янги ҳоким тайинланиши, ҳокимнинг Чхунхян исмли гўзал кисендан боҳабарлиги, уни ўз олдига чорлаши баён этилади. Янги ҳоким мулозими Чхунхяннинг олдига бориб, чиройли либосларини кийиши, пардоз-андоз қилиб, янги ҳоким олдига бориб, таъзим бажо келтириши кераклигини буюради. Чхунхян бу буйруқни рад этади. Ҳоким кисенлар рўйхатида Чхунхяннинг йўқлигидан ғазабланади, устига-устак бу қизнинг ўз буйруғини рад этганидан баттар дарғазаб отига минади. Жаҳл устида қизни зинданбанд қилишни буюради. Ўз олдига йиртиқ юбка ва эски камзул, оёқларига пошналари ейилиб кетган калишни илиб, бошига рўмол ташлаб келган Чхунхянни кўрган янги ҳоким ҳатто чиройли либослар, пардоз-андозларсиз ҳам гўзаллигидан ақли шошиб қолади.

Ўзи кисен бўлса-да, ҳоким амрини бажармаган Чхунхяндан итоатсизлик сабаблари сўралганда, у қуидагича жавоб беради:

«Қадимда: «Содик фуқаро икки подшога хизмат қилмайди, бокира аёл икки марта эрга тегмайди», дейшишган. Бошимизга кулфат тушиб, мамлакатимиз исёнчилар ҳукми остида қолса, сиз, ҳоким, уларнинг олдида бош эгган бўлардингиз».

Ҳоким Чхунхянни жазолашни, яъни ўттиз дарра уриш ва зинданга ташлашни буюради. Зинданда қиз кўп азоб чекади, қанчалик азоб беришларига қарамасдан унинг иродаси букилмайди. Чхунхян нафақат гўзал, оқила эди, шу билан бирга у ўзининг сабр бардош ва бағрикенглиги билан бу қайғуни ҳам енгиб ўтади. Ҳар сафар жазони кучайтирганда ҳоким Чхунхяннинг розилигини кутади, аммо у барча қийноқларни ичига ютиб, ҳар сафар рад жавобини беради.

Қиссада яна бир марказий қаҳрамон аёл бу Чхунхяннинг онасидир:

«Сенинг садоқатинг кимга керак? Бундай даҳшатли жазога дош беринингга тўғри келди. Гапимга кириб, ҳокимга канизак бўлишига розилик берганингда бундай бўлмас эди. Намвонда ҳамма нарсани ўз қўлингга олардинг, бутун уезд ҳукминг остида бўлар эди. Сенинг содиқлигинг ҳеч кимга керак эмас. Мен, сўққабош аёл, сени олтин ва нефрит каби авайлаб асрадим, қачондир баҳтли кунлар келади, деб ўйлаган эдим. Энди мен ғам чекмай, ким ғам чексин?».

Чхунхяннинг онаси ўз одатлари, қилиқлари, маданий савияси, дунёқараши, тушунча доираси жиҳатдан ўз замонасининг етук аёли, аммо у она сифатида фарзандини авайлаш, уни асраш учун қизининг ўзи каби кисен бўлишига рози. Айнан мана шу ерда муаллиф

асарда олға сурилган ғояларни ўз қаҳрамонларининг мұккаммал ҳарактерларини яратиши орқали кўрсатган. Она ва қизи ҳарактерларини ўз ҳаётлари, қараашлари ва курашлари юз берган типик шароитнинг ўзига хос индивидуал умумлашмаси, бадиий ифодаси сифатида намоён бўлади.

Чхунхян онасига нисбатан анча иродали. У ёш, тажрибасиз, фўр бўлишига қарамай, севгилисига бўлган садоқати йўлида кўп жиддий қийинчиликларга дучор бўлади, руҳий азоб чекади, ташвиш тортади, унинг ҳарактеридаги мураккаблик фақат унинг ўзигагина хос. Аёлларга хос ожизалик аломатлари уни дарра билан уришганида юзага чиқади, аммо у бу ожизликни аёлларга хос бўлмаган бир матонатлик билан енгиб ўтади, барча қийноқларга чида, ҳаттоқи ўлими учун ҳам рози бўлади.

Замонавий корейс насида бу масала адiba Ин Хигён қаламига мансуб «Дузет» (1995) ҳикоясида бўртиб намоён бўлди. Адiba корейс жамиятида ҳаётга ноанъанавий тарзда ёндашадиган янги аёлнинг «туғилиши» ҳақида баён қилди. Шу билан бирга Ин Хигён бу ҳикоясида оиласда ўз мавқеидан норози образ мисолида аёлларнинг ички дунёси билан боғлиқ замонавий корейс жамияти муаммоларини кўриб чиқди.

Ҳикояда воқеалар ривожи провинциал шаҳар Чонжуда рўй беради. Оила бошлиғи ота касалхона палатасида давосиз дардга чалиниб ётибди. Аёли уни парваришилаш билан банд. Фарзандлари – ўғли ва қизи олий маълумотли бўлиб, хозирги кунда пойтахтда истиқомат қилишади. Отасининг тоби йўқлигини эшитган қиз она шахрига келади. Касалхонада қиз кутилмаганды синфдошини кўриб қолади. Мактабда ўқиб юрган кезларида синфдоши унга кўнгил кўйган эди. Ота врачлар қўйган муддатдан олдин вафот этади, шу куни эса ўғли ҳам шаҳарга етиб келади. Дағн маросимлари тугагач, она қизининг келажак ҳақида ўзига ишонч билан гапираётганини сезади.

Ҳикоя битта оиланинг икки авлоди ҳаётини қиёслашга асосланган, муаллиф асосий образ сифатида аёллар образини илгари суради: она ва қизи. Онанинг ҳаёти ўзининг хотиралари ва қизининг эсдаликларида тасвиранганд. Чонсун турмушга чиққач, қаҳри қаттиқ ва жаҳлдор қайнонаси билан бирга яшashi лозим эди. Қайнона келинининг қиз фарзандни дунёга келтирганидан қаттиқ ғазабланди. Декабр ойи, қиши фасли бўлишига қарамай, у эндиғина ёш бўшанганд келини ва чақалоқ ётган хонанинг печкасига ўт ёқмади, уйни иситиш кераклиги ҳақида ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмади.

Ўғли, яъни Чонсуннинг эри бу вақтда бошқа провинцияда қурилишда ишлар, уйга кам келар эди. Инха уч ёшга тўлганида кутилмаганды қайнона қазо қилди. Она ўлимидан сўнг эри Чонсунга фақат қизининг онаси сифатида муносабатда бўлди. Тез орада Чонсун эрининг маъшуқаси борлигини билиб қолди. Аммо эри қизининг тоби йўқлигини билиб, уйга қайтишга мажбур бўлди. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан Чонсун ҳеч қачон

ўзининг заифалигини бирорга кўрсатмади, тақдирдан нолимади. Унинг матонати сабаб оилада ҳар доим тартиб мавжуд эди, фарзандлар олий маълумотли бўлишди, эри хам тадбиркорлик билан шуғулланиб, ишлари яхши эди.

Қизига яхши тарбия беришга ҳаракат қилди. Инхе оқила қиз бўлиб ўсди, яхши таълим олди, ўзини яхши тута олиши ва интилувчанлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турди. Мактабда ўқиб юрган кезларида у адабий танловларда ҳар доим биринчиликни қўлдан бермади ва ёзувчи бўлишни орзу қилди. Ўқишдаги яхши натижаларга қарамасдан Инхе пойтахтда эмас, ўзининг провинциясида ўқиши давом эттириди. У онаси учун қайғуриб, ўзининг орзуларидан воз кечди.

Университетни тамомлагач Инхе хусусий мактабда дарс бера бошлади. Тез орада у Ёнсе исмли йигитга турмушга чиқди. Эрга тегиб, қиз фарзандли бўлгач Инхе оилавий ҳаёт тамал тошини мустаҳкамлашга интилди. Ўзини ҳамма нарсадан маҳрум қилди, оиладаги барча масъулиятни бўйнига олди. Етти йиллик оилали ҳаёт давомида бирор кун шодон ўтмади. Бу вақтга келиб китоб ёзиш ҳақидаги орзулари билан ҳам хайрлашди. Ёнсе бошқа аёл билан учраша бошлагач, Инхе ажрашиш учун сўзсиз рози бўлди. Бу воқеа отасининг ўлимидан бироз олдин содир бўлди.

Ҳикоянинг энг қизиқ ечими ана шунда кўринади, китобхон, ҳатто, асар қаҳрамонлари ҳам Инхенинг эри билан ажрашгани ҳақида билишмайди. Катта авлод вакиллари «ажрашиш» оила учун кечирим бўлмас иснод, деб билишади. Шу сабабли она Чонсун Хёнсок ва қизи Инхе муносабатларини ҳаяжон билан кузатади, Чонсуннинг эри эса қизининг кечки пайт бегона эркак билан кафеда ўтиргани ҳақида эшитганда, ухлай олмайди.

Инхе эри билан ажрашгани ҳақида ота-онасига лом-лим демайди, чунки бу хабар уларга қандай зарба беришини билади. Инхе турмушга чиқар экан, баҳтли оила қуришига умид қилди. Аммо у ич-ичидан Ёнсе билан характерлари ҳар хил эканлигини сезиб турар эди, хато қилишдан кўрқарди. Кўркув ўз тасдигини топди. Эри билан ажрашгандан сўнг у эри билан бирга яшаган даврларини тез-тез хотиралай бошлади. Ўзи учун муҳим нарсага эришиш учун, ташқи дунёга чиқиш учун қанчалик ҳаракат қилди.

«Дуэт» ҳикоясида Чонсун ўзини анъанавийликка хос тарзда тутади. Ҳикояда Чонсун ҳаётининг баҳтли дамлари билан боғлиқ битта ҳам воқеа, хотира ёки эсадаликлар келтирилмаган бўлса-да, ўтган йиллар армони, афсус ва надоматлар ҳам учрамайди. У ўз умрини эри ва фарзандларининг келажаги учун қурбон қилди. Мана шу қурбонлик эвазига оилада тинчлик ҳукм сурди, болалар олий маълумотли бўлишди, эрининг ишлари омадли бўлди.

Инхе болалигидан ҳаётнинг барча ташвиш ва қийинчиликлари ҳамда отасининг хиёнатини индамай ичига ютган онаси учун қаттиқ қайғурди. Ҳатто, кунларнинг бирида, мактабда ўқиб юрган кезларида, Сеулдан қайтиб келган отаси уйда базм уюштириди, базмга шароб заводида ишлайдиган қувноқ аёлларни таклиф қилди, аёлинин эса уларга хизмат қилишга мажбур қилди. Шунда Инхе уйнинг орқаси беркиниб ўтириди, у онасининг бу хўрликларини кўришга ўзида қуч топа олмади. Совуқ кечани у ҳовлининг орқа деворида ўтказди, унинг кўзлари ҳеч нарсани кўрмас, ён атрофдан ўтган одамларни ҳам сезмас эди.

Талабалик вактларида бўлиб ўтган воқеа ҳам Инхенинг кўз ўнгидан кетмайди. У каникулга чиқиб, уйга келди. Шу куни кечаси ёмғир шаррос қуйиб ёғди. Онаси ва Инхе қоронғу тушгунча омборхонага қўмир брикетларини ташишиди, укаси Инхо эса «ҳатто хонасидан бурнини ҳам чиқариб қўймади». Эрталаб уйга қайтиб келган отаси ҳолдан тойиб ётган онасини кўриб, шундай деди: «Уйда аёл бажариши лозим бўлган барча ишлар шундай оғир». Инхе чидаб тура олмади ва «ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш учун гапирди». У биринчи маротаби отасига қаттиқ гапирда ва отаси биринчи маротаба унинг юзига тарсаки тушириди. Отаси ўзини ушлаб тура олмади, чунки: *«Инхе қизи сифатида эмас, балки аёл сифатида унинг попугини пайсатириб қўйган эди».*

Чонсуннинг ёшлиқ даврида жамиятда патриархал қонунлар жуда ҳам кучли эди, турмушга чиққан аёл эри ва қайнонасига сўзсиз итоат қилиши лозим эди. Аммо Инхе ёшлиги мустақил ва озод бўлишга ҳаракат қилувчи бошқа авлод даврига тўғри келди. Энди у азобланишни истамайди, эрининг хиёнатларига чидамайди.

Адиба корейс жамиятида ўттиз беш йил ичида аёл мавқеининг қанчалик ўзгарганлиги, оилада ўз ўрни ва ролини англаб етганини кўрсатади. Қаҳрамонлар тақдирини қиёслаш орқали у бир неча бор она ва қизи ўртасидаги мустаҳкам алоқа ва ўхшашикларни таъкидлайди. Чонсун эри бошқа аёл билан яшаётганидан хабар топганида, қалби қаттиқ ўксийди, қийналади.

Маълумки, Ин Хигён ўз ҳикоясини бежизга «Дуэт» деб номламаган. Изоҳли луғатда бу сўзга «икки мусиқа асбоби ёки икки хил овоз билан ижро этиладиган мусиқа асари» деб таъриф берилган. Она ва қизнинг қисмати ўхшаш бўлишига қарамай, уларнинг ҳаётини ғамгин куй билан қиёслаш мумкин бўлса-да, улардан ҳар бири ўз партиясини «юритади», ва бу дуэтда қизнинг партияси мустақил янграйди. Аммо Чонсун қалбida азоб билан бирга қизига бўлган ишонч ҳам мавжуд эди. Унинг тақдири эрининг тақдири билан чатишиб кетди, ва ҳаёти фақат азоб-уқубатлардан иборат бўлди. Аммо Инхе ўз ҳаётини тўғри куриши лозим. Бу Чонсуннинг қизига бўлган ишончи эди, ва бу унинг аёлларга хос донолиги, оқилалиги, ҳаёт билан муроса қила олишидан дарак беради.

Инхе ҳам ҳаётда «ҳаммаси яхши бўлишига» ишонади. Балким, бу ишонч собиқ синфдоши Хёнсок билан учрашувдан кейин пайдо бўлгандир. Бу учрашув унга ўзини ҳақиқий аёл каби ҳис этишга ёрдам берди, яхши келажак учун умид уйғотди.

Ҳикоя экспозициясида қаҳрамонлар ота ўлимини кутиб ўтиришибди, улар қайғуга ботишган, нима қилишни билишмайди. Аммо шунга қарамай бир-бирини хафа қилмаслик учун ҳар бири ўз ҳисларини беркитишга ҳаракат қиласди. Ҳикоя якунида она қаршисида – аёлнинг эртанги куни учун ишонадиган, ҳаёт қийинчиликларидан қўрқмайдиган ва ғурурини топтагандан кўра ажрашишни маъқул кўрган бошқа қиз ўтирибди. Шундай қилиб, қаҳрамоннинг бошланғич ва якуний ички қарама-қаршилиги ўртасида эгаллаган вазияти ташқи тасодиф контраст билан ўралган.

Мазкур ҳикояда Ин Хигён бош қаҳрамонлар сифатида аёлларни танлаган – сабр билан йўғрилган она, оқила ва меҳрибон, фарзандларининг келажаги ва оиласининг тинчлиги учун ҳар қандай қурбонликка тайёр, ва ҳар томонлама ўзига ўхшаш қизи. Инхе образида ёзувчи анъанавий патриархал оиласида тарбия топганлигига қарамасдан оиласида муносабатларга янгича назар билан қарайдиган аёлни кўрсатади. Инхе ёшлигидан ич-ичидан отасининг қилмишларини қоралайди, талабалик чоғларида эса отасининг онасига нисбатан қўпол муносабати, оиласида инсон ўрнида кўрмаслигига қарши очиқ-ойдин ўзининг фикрини билдиради, ва, нихоят, турмушга чиқиб ва эри билан етти йил бирга яшагач, онасининг қисматини такрорламаслик учун ажрашишга аҳд қиласди. Бу жуда ҳам оғир ва мушкул иш эди. Чунки жамиятда ҳам, оиласида ҳам ажрашган аёлга нисбатан муносабат кескин эди. Аммо Инхе бундан чўчимади, бу танловни фақат ўзлигини англаб етган замонавий аёлгина амалга ошириши мумкин эди. У ўз йўлини танлаш ҳуқуқига эга, у оиласида севиш ва баҳтли бўлишга ҳақли, оиласи муносабатларни фақат самимий муҳаббат ва ўзаро ҳурмат асраб қолади.

Ян Кви Жанинг «Зиддият» (1998) ҳикоясини узоқ йиллик тажриба ва қузатишлари асосида яратилган. Ян Кви Жанинг ўзи бу ҳақида шундай фикр билдирган: «Менинг «Зиддият»им бунчалар шуҳрат қозонишини кутмаган эдим. «Зиддият» ҳикояси атрофни, одамларни қузатиши ва натижаларни қиёслашларнинг бадиий кўринишиидир».

Дарҳақиқат адабага «Зиддият» ҳикояси жуда катта муваффақият олиб келди. Мазкур ҳикоя Эпстейн, Степхен ҳамда Ким Ми-Ёнглар томонидан инглиз ва француз тилларига таржима қилинди. Ҳикоя чоп этилган йили театрларда саҳналаштирилди, кинофильмлар суратга олинди.

Ҳикояси адаба яшаган давр ҳақиқати асосида ёзилган. «Зиддият» ҳикоясининг яратилишида давр рухи, инсонлар ўртасидаги маънавий бўшлиқ адабага тинчлик бермади. Натижада адабада ўзи яшаган давр муҳитини тасвирлашга бўлган иштиёқ кучайди,

атрофдаги одамларни образлар тимсолида гавдалантириди. Давр муҳити асосида олинган ғоя, яъни адиба замондошларининг тақдирли асар мавзусига айланди.

Асар бош қаҳрамон Ан Жин Жиннинг 25-ёшга тўлгандан сўнг, эркин ва мустақил ҳаётга қадам кўйиши, «эркин» ҳаёт остонасида бир йил давомида бошидан кечирганлари, шу вақт мобайнида ҳаётида содир бўлган воқеалар ҳақидадир. Ҳикояда Ан Жин Жиннинг йигирма беш ёшида мустақил ҳаёт кечиришга жазм қилгани, аммо бу қарори қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида бир фикрга кела олмаслиги баён этилади. Лекин Ан Жин Жин учун ўз мустақил ҳаётини қуриш у ўйлаганчалик осон бўлиб чиқмади. Кейинги ойларда қатор муаммоларга дуч келди. Хатоларга йўл қўйди. Лекин Ан Жин Жин бу хатоларидан хулоса чиқармади, уларга оптимистик руҳда ёндашишга ҳаракат қилди.

Ан Жин Жин турмуш қуришга қарор қиласди. Лекин бу борада у бир қарорга кела олмади. У бир вақтнинг ўзида иккита инсонга кўнгил қўйди, улардан қайси бирини танлаш устида узоқ вақт бош қотирди. Аслида улардан қайси бирини севишини ҳам англай олмади ва кейинчалик уларнинг ҳар иккисидан ҳам айрилди.

«Зиддият» ҳикояси тўлиқлигича Ан Жин Жиннинг ички руҳий оламида содир бўлаётган қарама-қаршиликлар асосига қурилган. Инсоннинг ички руҳий олами – диалектик. Адабиёт инсон ҳолати тасвири эканлиги кўпгина адабиётшунослар томонидан эътироф этилган.

Ян Кви Жа ҳикоясидаги аёллар жамиятнинг турли табақаларига мансуб, лекин уларни шу даврга хос умумий интилиш – бошқалардан ёмон яшамаслик, имкон қадар, улардан ҳам яхши яшашга интилиш бирлаштиради. Оддий инсоннинг кундалик ҳаёти, бу ҳаётнинг икирчикирлари адибанинг дикқат марказида туради.

Ҳикояда иштирок этувчи образларнинг ҳаммаси аёллар: Ан Жин Жин, онаси, холаси. Она ва хола опа-сингил бир оилада, бир муҳитда улғайишган, аммо улар руҳан ва қалбан – икки олам. Бу ҳикояда адиба томонидан илк бор аёл кишининг атрофдагиларга муносабати масаласи қўйилган. Узоқ асрлар давомида конфуцийчилик меъёрларига амал қилиб келинган жамиятда аёл, унинг фикри аҳамиятсиз бўлган. Аммо адибанинг аёл образларида бу тўсикни ёриб ўтиш кузатилади. Ан Жин Жин атрофдагиларга ўз муносабатини билдириб ўтади. Ҳаётидаги тартибсизликлар учун онасини умуман айглашни хоҳламайди. Жамиятда, оилада ҳар бир нарса учун жавобгарликни аниқ кўрсатиб турадиган одамларга ҳам мутлақо ишонмайди.

Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, асардаги бутун воқеа-ҳодисалар қарама-қаршиликлар асосига қурилган. Бунга Ан Жин Жиннинг онаси ва холасининг тақдирлари мисол бўлади. Турмуш қуриш ҳар иккала опа-сингилларнинг ҳаётини мутлақо ўзгартириб юборди. Онасининг биринчи турмуши баҳтсизликка учрагани сабабли у иккинчи маротаба

турмуш қурди. Аммо баҳтга қарши эри ичкиликка муккасидан берилиб кетди. Эри оила ва фарзандларни бокиши ҳакида ўйламади. Холаси эса бу борада баҳт қушини қўлга киритди, у ўзига тўқ оиласа келин бўлди. Шуниси эътиборлики, бу қарама-қаршилик уларнинг фарзандлари тақдиррида ҳам давом этди. Аннинг акаси Иви оиласидаги муҳит сабаб кўча безориларига қўшилиб кетди, холасининг ўғли Ёнг-гю эса тарбияли, илмли инсон бўлиб улғайди.

Она қиёфасида фақат моддий манфаат етакчилик қиласи, хола образида эса ҳаётга теран қарайдиган, фахму-фаросатли аёл гавдаланади.

Ян Кви Жа корейс ёзувчилари орасида биринчилар қаторида инсоннинг ички дунёсини реалистик тарзда тасвирлаб, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини очиб беришга эриша олган адидадир. Кундалик турмушни бадиий жонлантирган адига шу тариқа бир-бирига зид ҳолатлар тавсифида драмани кучайтириди. Ян Кви Жа персонажлари фикрлар дилеммаси исканжасида яшайди.

«Зиддият» хикоясида Ан Жин ҳаётида содир бўладиган барча қарама-қаршиликлар унинг саёҳатларга ўчлиги, бир хил ҳаётдан қочишга бўлган интилишлари билан боғлиқдир. У бу борада енгил ҳаёт кечирадиган, зиёли, бошқалардан деярли фарқ қилмайдиган амакивачаси билан солиштиради ва шундай қарорга келади: «*Бир хил тарздаги ҳаёт бир хил баҳт ато этади*».

Ҳар бир аёл образи – бу миллатнинг юзи. Ҳар бир аёл у маликами, канизакми, фарқи йўқ – бу онадир. Шундай экан, корейс миллатнинг келажаги Са хоним, Пакси, Чхунхян, Сим Чхон каби аёллар туфайли юзага чиқади. Са хоним образида корейс аёлига хос миллийлик, теран қалблик барқ уриб турса, Чхунхян корейс қизлари учун идеалга айланди, Сим Чхон образида халқнинг азалий қадриятлари – хё категорияси ўз тасдигини топган бўлса, Пакси образида ботиний гўзаллик ватанпарварлик туйғулари билан уйғунлашиб кетган. Уларга қарама-қарши фикрли, худбин аёллар эса миллатнинг иллатидир. Биламизки, феодал қолоқлик даврида Корея жамиятида ҳар бир канизакнинг ҳаёти – фожиа эди. Аммо канизак бўла туриб, оиласа бека бўлишга, ҳатто қиролича ўрнини эгаллашга (Инхён тарихини эсланг) ҳаракат қилувчи аёлларга муҳаббат ёт, ҳеч ким халақит бермаса, тинч яшаса.

Корейс адабиётида ўрта асрларда қарама-қарши характерли аёллар ҳақида асарлар номаълум муаллифлар томонидан яратилган бўлса (Ким Манжун романлари бундан мустасно), замонавий насрда бу масала адабиёт саҳнасига айнан аёл адигалар яратган асарлар таркибида кириб келди. Ва ўзига хос ижодий услубга эга адигалар Ян Кви Жа, Ин Хигён, Пак Вансо ижодида кенг ривож топди. Ҳатто масала адигалар хикоясининг мавзуида ҳам ўз аксини топди. («Дуэт», «Зиддият» ва х.к.).

«Дуэт»да Инхён таваккал қилишдан, тирикчилик ташвишларидан қўрқмайди, жамиятда азалдан хукмон Конфуцийчилик меъёрларини бузишга ўзида куч топади. Корейс миллати менталитетига хос онаси каби барча ҳаётий хўрликларга чидаб яшашдан воз кечди. Ўзбек халки каби корейс халқида ҳам оилани бошқариш эркак кишининг ихтиёрида. Аммо ҳисоб-китоб негизига оила қурган Инхёниг эри ҳаётининг бесамар ўтаётганидан афсусланмайди, ҳатто аёли биринчи бўлиб ажрашиш ҳақида оғиз очганида ажабланмайди. Чунки уни оила эмас, молия масалалари қизиқтиради.

ХУЛОСА

Мақолада келтирилган барча аёллар корейс миллати аёлларининг фитратидир. Ҳаётда қайси типдаги аёллар кўпроқ бўлиши даркор? Бу бугунги кунда барча халқлар учун муҳим масала ҳисобланади. Миллатнинг ўсиши оналар идроки билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу ўринда мақолани ўзбек адаби Фофур Ғуломнинг «Бизнинг оналар» мақоласида келтирилган парча билан якунлашни ва хulosани эса ҳар бир китобхон ҳукмига ҳавола этишни жоиз деб топдик.

«Босқинчиларга қарши қурашган Қамчибек қўлга туширилади. Оёқ-қўлига кишан уриб, дор остига олиб келинган пайтда унинг ёнига онаси – Олой маликаси деб танилган Қурбонжон додхоҳ отлик етиб келиб, «Хайр, ўғлим, бизнинг авлодга шаҳид ўлмоқ – отамерос. Берган сутимга розиман!» дейди-да, от бошини қайриб кета беради. Алп – энадан, от – биядан, дейдилар: Қурбонжон додхоҳ каби юракли оналардан Қамчибек сингари кўкраги ёлли (ёлқинли) йигитлар туғилади».

Бундай аёллар ҳаётда бўлган, хозир ҳам бор. Шундай экан, замоннинг зайлига бўйсунмасдан, барча нарсага ўз худбинлик дунёқараши орқали назар солмасдан, мешчанликка берилмасдан, моддий манфаатга қул бўлмасдан, дунёга теран кўз билан боқадиган, қалби муҳаббат ва меҳрга тўла корейс халқининг Чхунхян, Са хоним, Пакси, ўзбек халқининг Қурбонжон додхоҳ, Ўзбек ойим, Кумушбиби каби турмушида маъно ва мақсадли аёллар тақдири барчага намуна бўлсин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества/сост Бочарев С.Г. – М.:Искусство, 1979.
2. Зухриддин Исомиддинов. Икки аёл. – Тошкент. «TURON-IQBOL» МЧЖ, 2011.
3. Классик корейс насли антологияси. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Сайдазимова У.Т., Чой Со Ёнг ва бошқ. Тошкент “Истиқлол” нашриёти. 2013.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. – Т., 2006.

5. Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.), – СПб.:Санкт-Петербург, 2004. С.177.

6. Klassik koreys nasri antologiyasi. Tuzuvchi va nashrga tayyorlovchilar: Saydazimova U.T., Choy So Yong va boshq. Toshkent “Istiqlol” nashriyoti. 2013. B.392.